

# МАЪРУЗА:

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ СОҲАСИДА  
СТАНДАРТЛАШТИРИШ,  
МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР  
ВА ҚОИДАЛАР  
ИШЛАБ ЧИҚИШ.

# Р е ж а :

- 1. Меҳнат муҳофазасига оид қонун ва қоидалар ишлаб чиқиш тизими.
- 2. Меҳнат муҳофазаси стандартлар тизими тўғрисида тушунча.
- 3. Меҳнат муҳофазасига оид турли низомлар ва қоидалар.

# Меҳнат муҳофазасига оид қонун ва қоидаларни ишлаб чиқиш

- Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунларни ривожлантириш учун давлат **қўмиталари, вазирликлар ва муассасалар** ҳар хил меъёрий ҳужжатларни **Касаба уюшмалари Федерацияси** билан келишилган ҳолда ишлаб чиқишади ва амалга тадбиқ қилишади.
- Қўлланиш соҳасига қараб меҳнат муҳофазаси меъёр ва қоидалари **умумийларга ва тармоқийларга** бўлинади.
- Умумий меъёр ва қоидалар иқтисодиётнинг ҳамма тармоқлари учун бир хил бўлган энг зарур меҳнат муҳофазаси талабларини белгилайди.

# Умумий меъёр ва қоидаларга қуйидагилар киради:

- «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари» (ҚМК),
- «Санитария меъёрлари (СМ)»,
- «Санитария қоидалари ва меъёрлари (СанПиН)»,
- «Электр ускуналарининг тузилиш қоидалари» (ЭУТК),
- «Юк кўтариш кранларининг тузилиш ва хавфсиз ишлатиш қоидалари»  
ва бошқалар киреди.


- **Тармоқий меъёр ва қоидалар** иқтисодиётнинг маълум бир тармоғида қўлланилади ва шу тармоққа хос бўлган меҳнат муҳофазаси талабларини ўз ичига олади.
- Меъёрий ҳужжатлар тизимида энг асосий ўринлардан бирини ҳар бир касб ёки шу ўрни учун тузиладиган меҳнат муҳофазаси бўйича **йўриқномалар** эгаллайди.
- Улар **намунавийларга** ва **хусусийларга** бўлинади.
- Йўриқномаларни ишлаб чиқиш Вазирлар маҳкамаси томонидан тузилган режа асосида амалга оширилмоқда.

# Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ).

- Меҳнат муҳофазаси бўйича энг муҳим меъёрий ҳужжатлардан бири 1973 йилдан ишлаб чиқаришга жорий қилинган "Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими" дир (МХСТ).
- МХСТ - бу, меҳнат жараёнида инсоннинг соғлиғини ва иш қобилиятини сақлашга, хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган талаблар, меъёрлар ва қоидаларни ўз ичига олган ўзаро боғлиқ стандартлар мажмуасидир.
- МХСТ - давлат стандартлаштириш тизимининг ташкил қилувчи қисмларидан биридир.
- МХСТ стандартлари давлат, республика, тармоқий ва корхона стандартларига бўлинади.

Ички  
тизим  
шифри

0



1

Зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш  
омиллари турлари бўйича талаблар  
ва меъёрлар стандартлари

2

Ишлаб чиқариш ускуналарига  
хавфсизлик талаблари  
стандартлари

3

Ишлаб чиқариш жараёнларига  
хавфсизлик талаблари  
стандартлари

4

Ишловчиларни ҳимоя қилиш  
воситаларига хавфсизлик  
талаблари стандартлари

5

Бино ва иншоотларга хавфсизлик  
талаблари стандартлари

6-9

Заҳира

# МХСТ структуравий тузилиши:

## ■ Ички тизим:

- 0 - МХСТни тузиш асослари ва жорий қилишнинг ташкилий-услубий стандартлари.
- 1 - Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг турлари бўйича меъёр ва талаб стандартлари.
- 2 - Ишлаб чиқариш воситаларига хавфсизлик талаблари стандартлари.
- 3 - Ишлаб чиқариш жараёнларига хавфсизлик талаблари стандартлари.
- 4 - Ҳимоя қилиш воситаларига қўйиладиган талаблар стандартлари.
- 5 - Бино ва иншоотларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари стандартлари.
- 6-9 - Заҳира.



# Эслатма:

- а) 0; 2; 3; 4; 5 - ички тизимлар давлат, республика ва тармоқий бўлиши мумкин.
- б) 0 - ички тизим стандартлари корхона стандарти ҳам бўлиши мумкин.
- в) 1 - ички тизим стандартлари фақат давлат стандарти бўлиши мумкин.

# МХСТ да қуйидагича белгилаш қабул қилинган:

Масалан:      ГОСТ 12.1.005-88



# ТСТ МХСТ структуравий схемаси



# Меҳнат муҳофазасига оид қонун ва қоидаларга риоя қилишни назорат қилиш тизими.

- Меҳнат муҳофазаси қонун ва қоидаларига риоя қилиш **давлат, муассаса ва жамоат органлари** томонидан назорат қилинади.
- Олий назорат Республика Бош прокурори томонидан,
- Жойларда эса унинг қўл остидаги бошқа прокурорлар томонидан олиб борилади.

# Махсус давлат назоратини қуйида келтирилган инспекция ва органлар соҳасига боғлиқ ҳолда олиб боради:

- «Саноатгеоконтехназорат» инспекцияси. (Ер қарини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси —
- «Давээнергоназорат». (Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси)
- «Ўзстандарт». (Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги)

- «Бошдавттехназорат». (Машина ва ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси).
- Ёнғин хавфсизлиги назорати.
- Давлат санитария-эпидемиология назорати.
- Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати.
- Давсувхўжаликназорат.

# Жамоат назорати

- Касаба уюшмалари Федерацияси инспекциялари томонидан олиб борилади:
  - 1. Меҳнат техник инспекция.
  - 2. Меҳнат ҳуқуқий инспекция.
  - 3. Меҳнат муҳофазаси комиссияси.
  - 4. Меҳнат муҳофазаси жамоат инспектори.
  - 5. Штатдан ташқари меҳнат техник инспектори.

# Маъмурий - жамоат назорати

Маъмурий - жамоат назорати, 3 босқичдан иборат бўлади:

- **1-босқич** - участка бошлиғи ва меҳнат муҳофазаси жамоат инспектори ҳар куни эрталаб иш бошланганда техника хавфсизлиги талабларининг бажарилишини назорат қилади, аниқланган камчиликлар махсус журналга қайд қилинади, камчиликларни бартараф қилиш муддати ва жавобгар шахс белгиланади.



- **2-босқич** - цех бошлиғи, меҳнат муҳофазаси инженери, катта жамоат инспектори ва техник хизмати ходимидан иборат гуруҳ ҳар ҳафтада цехда назорат ишларини ўтказди.
- **3-босқич** - корхона бошлиғи ёки бош муҳандис ва 2-босқичдаги мутахассислардан иборат гуруҳ ҳар кварталда корхонада "Меҳнат муҳофазаси" кунини ўтказди.

# Меҳнат муҳофазасига оид қонун ва қоидаларни бузганлик учун жавобгарликлар

- Меҳнат муҳофазасига оид қонун ва қоидаларни бузганда қуйидаги жавобгарлик турлари кўрилади:
- 1. **Интизомий** - айбдорларни огоҳлантириш, ҳайфсан бериш, ойлиги кам ишга ёки лавозимга 3 ой муддатга ўтказиш, ишдан бўшатиш.
- 2. **Маъмурий** - асосан мансабдор шахсларга нисбатан қўлланилади (огоҳлантириш, танбеҳ бериш, жарима солиш).
- 3. **Жиноий жавобгарлик** - (бахтсиз ҳодиса юз берганда ёки юз бериши мумкин бўлганда) - мажбурий хизмат ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш.
- 4. **Моддий жавобгарлик** - корхонага моддий зарар етказилганда, шароитга қараб ўртача ойликнинг:



# Моддий жавобгарлик миқдорлари:


Қорхонага моддий зарар етказилганда, шароитга қараб ўртача ойликнинг:

- ишчилар учун -  $1/3$ ,  $2/3$  ҳажмида;
- раҳбарлар учун – битта ўртача , иккита ўртача ва учта ўртача ойлик ҳажмида олиниши мумкин.
- Ишчилар етказилган зарарни тўла қоплайди:
  - ўз иш вазифасини бажармаётганда юз берса;
  - қасддан зарар етказилса;
  - маст ҳолда бўлса.
- Моддий жавобгарлик юқоридаги 3 та жавобгарликка боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келади.

# Меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими

- Меҳнат муҳофазасини бошқариш корxonани бошқариш тизимининг бир қисмидир.
- Меҳнат муҳофазасини бошқаришни корxона бошлиғи (бош инженер) ва бўлим бошлиқлари олиб боради.
- **Меҳнат муҳофазасини бошқариш** - бу меҳнат жараёни вақтида ишловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, иш қобилиятини ва соғлиғини сақлаш бўйича **ташкилий, техник, санитар-гигиеник,** даволаш - олдини олиш ва бошқа чора-тадбирларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишдир.

# Қишлоқ хўжалик корхонасида меҳнат муҳофазасини бошқариш схемаси.



# Меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимининг асосий вазифалари қуйидагича:

1. Ишловчиларни меҳнат хавфсизлигига ўқитиш ва меҳнат муҳофазаси масалаларини ташвиқот қилиш.
2. Бино ва иншоот, ишлаб чиқариш жараёнлари ва асбоб-ускуналарнинг хавфсизлигини таъминлаш.
3. Меҳнат шароитининг санитар-гигиеник ҳолатини меъёрлаштириш.
4. Ишловчиларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш.
5. Ишловчилар учун мақбул иш ва меҳнат шароитини яратиш.
6. Ишловчилар учун даволаш-олдини олиш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш.
7. Алоҳида мутахассисликлар бўйича касбий танлов ўтказиш.
8. Ишловчиларга санитар-маиший хизмат кўрсатиш ва ҳоказо.

# Меҳнат муҳофазасига оид тадбирларни режалаштириш ва маблағ билан таъминлаш.

- Асосий режа, номенклатура чора-тадбирларининг режасини ишлаб чиқишдир, чунки у жамoa ва маъмурият томонидан ўзарo келишув асосида тасдиқланиши керак.
- Номенклатурага асосан келишув қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:
  - 1) жароҳатланишларнинг олдини олиш бўйича;
  - 2) касалланишларнинг олдини олиш бўйича;
  - 3) меҳнат шароитини умумий юксалтириш бўйича;

- Келишувда тадбирлар рўйхати, таннархи, амалга ошириш вақти ва жавобгар шахс фамилияси қайд қилинади.
- Келишув корхона раҳбари ва касаба уюшма томонидан ифодаланади.
- Чора-тадбирларни бажаришга корхона ҳар йили маблағ ажратиши ва маблағ фақат шу соҳага ишлатилиши лозим. Акс ҳолда маъмурият қонун олдида жавоб беради.
- Маблағни сарфлаш касаба уюшмаси томонидан назорат қилинади.
- Бундан ташқари, корхона ҳар йили юқори ташкилотга маблағ сарфи ва амалга оширилган тадбирлар тўғрисида ҳисобот бериши лозим.



# Ишловчиларни меҳнат хавфсизлигига ўқитиш.

- Ишловчиларни меҳнат хавфсизлигига ўқитиш ўрта, ўрта махсус ва олий мактаблардан бошланади.
- Ишлаб чиқаришда эса ишчилар қуйидаги тартибда ўқитилади:
  - а) техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалардан ўтказиш:
    - 1. Кириш йўриқномаси;
    - 2. Бирламчи йўриқнома;
    - 3. Такрорий йўриқнома;
    - 4. Режадан ташқари йўриқнома.
    - 5. Жорий йўриқнома.
  - б) Курс ўқитишлари. Хўжаликларда ҳар йили 1 марта, январда олиб борилади.
  - в) Малака ошириш факультетларида ўқиш.

# Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш.

- Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш Вазирлар Маҳамасининг 1997 йил 6 июндаги 286 – қарори билан тасдиқланган:
- “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида Низом”га асосан олиб борилади.
- Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олишнинг мажбурийлиги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунида ҳам кўрсатиб ўтилган (4-модда).

## Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш сабабларини таҳлил қилишнинг қуйидаги услублари мавжуд:

- 1. Статистик услуб.
- 1.1. Гуруҳий услуб.
- 2. Топографик услуб.
- 3. Монографик услуб.
- 4. Эргономик услуб.
- 5. Иқтисодий услуб.

- **Статистик метод** (кўпинча таққослаш, анализ қилиш методи ҳам дейилади).
- Бу метод асосан Н-1 далолатномасида келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш ва умумийлаштиришга асосланган.
- Бахтсиз ҳодисалар жинсга, ёшга, касбга, стажга, асбоб-ускуналарга, сутка вақти, иш вақти ва бошқа белгиларига қараб таҳлил қилиниши мумкин.
- Статистик метод орқали қуйидагилар аниқланади:
  - **жароҳатланишларнинг такрорланиш (частота) коэффиценти** —  $K_q$ ;
  - **оғирлик коэффиценти** —  $K_r$ ;
  - **иш вақтини йўқотиш коэффиценти** —  $K_{\Pi}$ .

- **Гуруҳий метод:** бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилишнинг бу методи асосан содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни улар расмийлаштирилган ҳужжатлари орқали маълум бир белгиларига асосланиб, яъни масалан:
  - меҳнат шароитлари,
  - касблари,
  - ёшлари,
  - жинслари,
  - иш стажлари.
  - жароҳатланиш даражалари,
  - ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланади ва таҳлил қилинади.
- Барча материаллар яхшилаб ўрганилади ва тегишли хулоса чиқарилади ҳамда шунга асосланиб жароҳатланишнинг содир бўлиш сабаблари бартараф этилади, яъни маълум ишчилар группасини ўқитиш йўли билан меҳнат муҳофазаси тадбирлари бажарилишини назорат қилиш янада ҳам мустаҳкамланади ва бошқа тадбирлар жорий этилади. Бу методга тегишли материаллар йиғиш учун кўпроқ вақт талаб қилинади.

- **Топографик (график) метод:**

Бу методда ишлаб чиқариш корхонасининг плани (картаси) олинади ва содир бўлган бахтсиз ҳодисалар юз берган ўрнига қараб шу картага туширилади.

- Маълум муддатдан кейин картада бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлиш жойлари тўғрисида маълумотлар юзага чиқади.

- Корхонанинг қайси жойида, хонасида, иш ўрнида, қайси фаслда ва қаерда кўпроқ бахтсиз ҳодисалар содир бўлишини шу картадан аниқлаш мумкин.

- **Монографик метод:** бу методда бахтсиз ҳодисалар содир бўлган иш ўринларидаги меҳнат шароити комплекс равишда илмий изланишлар даражасида ўрганилади.
- Иш шароити, шахсий ҳимоя воситалари, иш жойи, асбоблар, машиналар, механизмлар, технологик жараёнлар, бирламчи маҳсулотлар, санитария-гигиена шароитлари ва ҳоказолар ўрганилади.
- Бу метод натижасида содир бўлган бахтсиз ҳодисаларгина эмас, балки уларни келтириб чиқарган сабаблар ҳам аниқланади ва таҳлил қилинади.

- **Эргономик метод** орқали жароҳатланишларнинг сабабларини ўрганишда асосий эътибор “инсон-машина” тизимининг эргономик параметрларига қаратилади.
- **Иқтисодий метод** орқали жароҳатланишларнинг сабабларини ўрганишда эса асосий эътибор иқтисодий омилларга қаратилади: меҳнат ва техника хавфсизлигини таъминлашга сарфланган маблағ, жароҳатланишлар натижасида кўрилган зарар ва бошқа.



The background of the slide is a warm, golden-brown color with a pattern of stylized, overlapping autumn leaves. The leaves are rendered in various shades of brown and orange, creating a textured, layered effect. The central text is white with a subtle drop shadow, making it stand out against the busy background.

**Эйтиборингиз учун раҳмат!**